

1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган



ПОСИДЖА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ



№ 20 (3392)



2001 йил 17 май, пайшанба



Сотувда эркин нархда



Бош муҳаррир минбари

Хавфсизликни таъминлаш – вазифаларнинг энг муҳими

Иккинчи чакирик Олий Мажлиснинг ўтган ҳафтанинг сўнгги кунлари бўлган сессияси – бу анжуманларнинг бешинчиси. Газетхонларимизнинг хабарлари бор – сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Тасдикланган кун тартибиага биноан депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2000 йилдаги ва 2001 йил биринчи чораги бўйича ижроси тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш билан ўз ишини бошлади.

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизнинг бош молиявий ҳужжатини кўриб чиқиш парламентнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустахкамлаб кўйилган энг муҳим ваколатларидан биридир.

Олдинрок хабар берилганидек, Давлат бюджетининг ҳисобот давридаги параметрлари Олий Мажлис томонидан белгиланган дараҷададир. Молия вазирлиги ҳукumat билан биргаликда мувофиқлаштирилган бюджет-солик, пул-кредит, инвестициявий ва ташки савдо сиёсатини амалга ошириш, макроиктисодий барқарорликни, бир маромдаги иктиносидой ўсишни, ҳалқ фаровонлигини оширишни таъминлаш борасида катта ишларини амалга ошириди. Бу ишларнинг ҳаммаси амалий бўлиб, одамларнинг кўзи ўнгидаги рўёбга чиқаятти.

Бирок, Президент Ислом Каримов Давлат бюджетини муҳокама қилиш чоғида ижтимоий соҳалар бўйича молиялаштириш ишларининг бажарилмаётганилиги борасида ўз эътирозларини билдириди.

Мамлакатимиз раҳбари сессия иштирокчиларига эслатдики, Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот давлат пуллари нималарга сарфланяётганилигини, уларнинг ҳазинага қайтиши қандай содир бўлаётганилигини кўрсатувчи таҳлилий манзарани яққол кўрсатиб бериши керак. Фақат шундай қилинганидагина парламент мамлакат асосий молиявий ҳужжатининг ижроси хусусида холис ва принципиал хулоса чиқара олиши мумкин.

Газетхонларимизга эслатиб ўтаман – ижтимоий соҳа, ахолини ижтимоий ҳимоялаш давлат молиялаштиришини устувор йўналишидир. Шу тўғрида гапира туриб, Президент таъкидлади, бу масала ғоят принципиал аҳамиятга эга. Айни пайтда давлатимиз раҳбари ўз бюджетларидаги туйнукларни ямай олмаётган ва марказ муттасил маблағ билан ёрдам беришга мажбур бўлаётган худудларни танқид килди.

Бундай ҳолатларнинг сабаблари ҳакида гапириб, Президент бу вилоятларда ҳозирча тадбиркорлик етарли йўлга кўйилмаганлигини қайд қилиб ўтди. Ҳолбуки, бугунки кунда айни мана шу кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга эътибор кучайтирилмоқда. Жаҳон таҳрибаси далолат беради, бу иктиносидой кўтарилишини тезлаштириб, ҳазинага мўмай даромадлар келтиради.

Ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятини молиялаштириш бўйича модда ҳам бажарилмай қолди. Уларга маблағ ажратиш тўғрисидаги қарор илк бор ўтган иили қабул қилинган эди. Агар ажратилган пуллар аҳолига етиб бормаса, бу фаровонлик даражасига таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Демакки, бу – сиёсий хусусиятдаги масала. Айни пайтда давлатимиз раҳбари ҳукumat ва парламентнинг турли даражадаги раҳбарларининг вазият учун жавобгарлигини эслатиб ўтди.

Сессия қабул қилган ҳуқуқий ҳужжатлар қаторида Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги Конуни ҳам бор. Бу конунинг аҳамияти ҳакида гапириб, мутахассислар таъкидламоқдаларки, Ўзбекистон бугун четдан бўладиган ҳар қандай тажовузни даф эта олади. Аслини олганда, бу – давлатнинг асосий принципи – фуқаролар хавфсизлигини ишончли таъминлашни амалга оширишидир.

Президент Ислом Каримов мажлислар орасидаги танаффусда журналистларга берган интервьюсида ҳам бу хусусда алоҳида тўхтабиб ўтди.

– Биз қандай мақсадларни кўзлаяпмиз? Биринчи навбатда бу – хавфсизлик масаласи. Ишончим комилки, ҳалқимиз бу масалада мамлакат раҳбариюни кўллаб-куватлайди. Зоро, хавфсизлик – барча ислоҳотлар амалга ошириладиган асосдир. Хавфсизлик бўлмаса, барқарорлик бўлмаса, ажойиб истиқболлар ҳакидаги жамийки сўзлар бекор. Агар кишилар кўнгли, қалб нотинч бўлса, нима куриш мумкин. Ва, Президент сифатида менинг асосий вазифам Ўзбекистоннинг сербарака заминида яшаб турган ҳар бир киши учун, унинг миллати, дини, дунёкаришидан қатъи назар, тинчлик ва хотижамлики таъминлаб бериш, у ўзини қадрдан хонадонидагидек ҳис этишига эришишдан иборат. Токи, у шу заминда хотижам яшасин, ўз келажагига ҳам, фарзандларининг келажагига ҳам ишончи комил бўлсин. Шу муборак заминда яшаб турган кишилар учун тинчликни таъминлаш борасида биз ҳар қандай сарф-харажатларга тайёрмиз.

Президентнинг бу сўзлари ўзбекистонликлар қалбida ўз Ватанинг кудратига, уларни ташки хавф-хатарлардан саклай олиш, бунёдкорлик меҳнати учун тинчликни таъминлаш салоҳиятига чексиз ишонч уйғотади.

МАМЛАКАТИМИЗДА



9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ МУНОСИБ НИШОНЛАНДИ

Тилсиз
гувоҳ



Милиционер
ролини яхши кўраман

Tabassum +TV

КРОССВОРД, СКАНВОРД, ТЕСТ, ҲАЖВИЯ, МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ...

Ҳуқуқий билимимизни оширамиз

КЎЗДАН КЕЧИРИШГА НИМА САБАБ БЎЛА ОЛАДИ?

Кундузи соат 17.00 га яқин пойтахтдаги Мовароуннаҳр кўчаси бўйлаб кетаётган эдим.
Тошкент шаҳар ҳокимлиги биноси яқинидан икки милиция ходими тўхтатиб, сумкамнинг ичидаги нарса билан қизикишди. Сумкадаги касса аппаратини кўргач, улардан бири бу буюм менга тегишли эканлигини исботлаб беришимни талаб қила бошлади. Мен бу буюм ўзимники эканлиги, уни устахонада созлатиб келаётганимни айтдим. Ёнимда шахсимни тасдиқловчи ҳужжат бор, аммо касса аппарати учун йўқ эди. Хуллас, милиция ходимлари билан ички ишлар идорасига боришимга тўғри келди.

Конун бўйича милиция ходими қандай ҳолатларда нарса ва ҳужжатларни кўздан

Кечириши ёки ички ишлар идорасига олиб бориши мумкин? Шу ҳақда билмоқчи эдим.

**М. Собиров,
Тошкент шаҳри.**

Хатда тилга олиб ўтилган чоралар – шахсни маъмурий ушлаб туриш, шахсий кўздан кечириш, буюмларни кўздан кечириш, шунингдек, транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўздан кечириш, буюмлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш – конун бўйича маъмурий ҳукуқбузарликлар ёки жиноятларнинг олдини олиш учун керакли ҳолатларда ёки маъмурий ҳукуқбузарликлар, жиноий ишлар бўйича суринширув ёхуд тер-гов ишлари олиб боришини таъминлаш мақсадида қўлланилади. Яъни кўздан кечириш, келтириш, ушлаб туриш, олиб қўйиш фақат ҳукуқбузарлик ку-затисагина амалга оширилади.

Куйидаги вазиятларда фуқа-

ро кўздан кечирилиши мумкин: шахс ҳукуқбузарлик содир этаётган пайтда ёки бевосита содир этганда; фуқаронинг кийими ёки буюмидаги излар ҳукуқбузарлик содир этилганини англатса; гувоҳлар ҳукуқбузарлик содир этган шахс айнан шу фуқаро эканлигига кўрсатма берса; назорат техника воситалари кўрсатмалари мавжуд бўлса.

Кўздан кечириш қонун бўйича тўғридан тўғри амалга ошириладиган (божхона постлари ёки ҳаво транспортида) ҳолатлар ҳам мавжуд. Бундай хатти-ҳаракатлар барча милиция ходимлари эмас, балки бунга ваколатли мансабдор шахслар томонидан бажарилади.

Шунингдек, кўздан кечиришга ваколатли мансабдор шахс томонидан фуқарода юқорида тилга олинган ҳолатлар мавжуд, деган тақлиф билдирилса, ҳукуқбузарлик куроли ёки бевосита обьекти бўлиб хизмат қилувчи буюмлар ёки бошқа предметлар тақдим этилган тақдирда ҳам сабабчи бўлади.

Қоидага биноан буюмлар гувоҳлар иштирокида кўздан кечирилади, сўнгра баённома тузилади. Фуқаро М. Собиров таҳририята йўллаган мактубдан кўриниб турибди, милиция ходимларининг унга нисбатан қўлланган ҳатти-ҳаракатини тўғри баҳолаб бўлмайди. Бинобарин, ушбу ҳолатда кўздан кечириш

ларидан қўйидагилар кўчирилдилар:

И ва II-гуруҳ ногиронлари;
1941–1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва байналмилатчи ногиронлар;

ҳарбий хизматни ўтаётганида ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган ҳарбий хизматчиларнинг оиласлари;

ногирон фарзандлари бўлган оиласлар;

тарбиячи-ота-оналар, оиласи болалар уйи тутагилган тақдирда;

хизмат турар жойи берган ташкилотларда камиди ўн ўйиши ши-

лаган (хизмат қилган) шахслар;

эгаллаб турган лавозими муносабати билан турар жойи бе-

ваколати бўлмаган мансабдор шахслар томонидан, бирор асоссиз, кўздан кечириш тартиби бузилган ҳолда амалга оширилган.

Келтириш ҳуқуқий жиҳатдан, шахс милиция (қишлоқ ёки кўргон фуқаролар йиғини органи ёхуд ҳарбийлашган соқчилик хизмат хонаси)га мажбурий жойлаширилишини англатади, у ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқаро шахсини аниқлаш, баённома тузиш ва ҳоказо мақсадларда фақат ҳуқуқбузарларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Конунга кўра ҳуқуқбузарларнинг ёнида ҳужжати бўлмаса, ўз шахсини бошқача йўллар, масалан ўзи ҳақида маълумот бера оладиган гувоҳлар орқали тасдиқлай олмаса унинг шахсни аниқлаш мақсадида келтиришга йўл қўйилади.

Кўздан кечириш (шахсий ёки буюмлар) ҳам, келтириш ҳам амалда шахснинг ҳуқуқларини чеклайди. Шу сабабли бу ҳолатлар қонунчиликда бевосита кўзда тутилмаган бўлса уларни қўллашга йўл қўйилмайди.

Шахсий ёки буюмларни кўздан кечириш асосланмаган ҳолда амалга оширилса манфатдор шахс бу ҳақда юқори ташкилот(мансабдор шахс), прокурор ёки судга арз қилиши мумкин. Конун шикоятни ўз вақтида кўриб чиқиши, шикоят билан боғлиқ айrim мансабдор шахслар томонидан йўл қўйилган ҳатоларни тезда бартараф этиш, фуқароларнинг ҳуқук ва манфатлари бузилишини дарҳол тиклаш учун зарур чоралар кўриши ни тақозо этади.

Рилган бўлиб, лекин турар жойни берган корхона, муассаса, ташкилот билан меҳнат муносабати оиласларни узмаган шахслар;

ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгариши ёхуд корхона, муассаса, ташкилот тутагилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинган шахслар;

ўзи ишлаган корхона, муассаса, ташкилотлардан пенсияга чиққан ходимлар;

хизмат турар жойи берган ташкилотларда камиди ўн ўйиши ши-

лаган (хизмат қилган) шахслар;

вояга стмаган фарзандлари

билан бирга яшаётган ёлғиз шахслар.

Бизга маслаҳат беринг

Ассалому алайкум “Постда” газетаси ходимлари!
Газетанинг 9 май сонидаги ёритилган “Кўмагингизга муҳтожмиз” сарлавҳали мақолада берилган фарзандликка олиш йўл-йўриклиари айни бизнинг кўйглимиздаги саволларга жавоб бўлди. Мақолага қўшимча қилиб болани фарзандликка олишда эр-хотининг, болани туқсан ота-онасининг розилиги бўлиши керакли-йўқми шу ҳақда ҳам билишни истардик.

Салом билан
Ҳанифа АҲМАДШОЕВА,
Бухоро.

Бухоролик газетхонимизнинг саволларига жавоб айнан Оила кодексида ёритилган бўлиб, унинг 157-моддаси “Фарзандликка олевчининг эри (хотини)-нинг болани фарзандликка олишга розилиги” деб номланади. Унда кўрсатилишича, “Агар бола эр-хотиннинг ҳар иккаласи томонидан фарзандликка олиниётган бўлса, бунга хотин (эр)нинг розилиги талаб қилинади.

Агар эр-хотин оиласидан муносабатларини тутагтган, бир йилдан ортиқ бирга яшамаётган бўлсалар ва эр (хотин)нинг турар жойи номаълум бўлса, фарзандликка олишда унинг розилиги талаб қилинмайди. Шу билан бирга болани фарзандликка олишаётган болани ота-онасининг розилиги талаб этилади. Ота-она болани муайян бир шахс (шахслар) томонидан фарзандликка олинишига розилик берилширилса қилинмайди. Шу билан бирга болани фарзандликка олишаётган болани ота-онасининг розилиги талаб этилади. Ота-она болани муайян бир шахс (шахслар) томонидан фарзандликка олинишига розилик берилширилса қилинмайди.

Ота-онанинг болани фарзандликка олинишига розилиги ёзма шаклда баён этилиши керак.

Фарзандликка олиш тўғрисида қарор чиқарилгунга қадар ота-она ўз розилигини қайтариб олишга ҳақлидир (159-модда). Лекин болани ота-онасининг розилигисиз фарзандликка олиш ҳолатлари ҳам мавжуд бўлиб (160-модда), улар кўйидагичадир:

- ота-онанинг кимлиги номаълум бўлса;
- ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса;
- ота-она муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган бўлса;
- ота-она бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар ёки даволаш муассасаларидаги боласидан узрли сабаб арсиз хабар олмаган бўлса, фарзандликка олиш ота-онасининг розилигисиз амалга оширилаши.

Бундан ташқари давлат болалар муассасалари тарбияси ва таъминотидаги болаларни фарзандликка олиш агар уларнинг ота-онасининг розилиги талаб этилмайдиган бўлса, шу муассаса маъмуриятининг розилиги билан амалга оширилади.

Калтис қадам

Шу шу бўлди-ю Абзал К. нинг хаёли бузилди. У Охунбоев туманинг деҳқон бозорида икки таниши билан гаплаштиби, ногаҳон шу мавзуда сўз очди. Улардан бири пешносини тиришириб, кўзларни катта-катта очар экан, “товар” қаердалиги билан қизиқди.

Абзал тўппа-тўғри Шокир аканикига келди. Ишлар беш. Эртаси куни учковлон деҳқон бозорида “харидорларни” кутуби олиши. Улар товарни кўришди. Нарх-наво устида анча тортишувларга борилгач, ахири бир тўхтамга келишишди.

Хуллас, 20 килограмм вольфрам 3 минг АҚШ долларига нархланди. Шу пайт ҳожатхонага боришга эҳтиёж сезган Абзал, у ердан чиқаётганида эшик олдида ўргимчакнинг ини чап елкасига илинди. Эҳ, деба сўкиниб, уни тозалашга уриниб келаётганида шериклари олди-берди қилаётган экан. Бироқ, шу онда металл мижозга, пул металфурушларга насиб этади. Ички ишлар ходимлари металфурушларнинг кўлларига шу ернинг ўзида кишин солиши.

Шерали АНВАРОВ,
милиция лейтенанти.

Ниси орасида эътиборли, пул деса “суги йўқроқ” бир йигит бор. Аммо, у бундай ишлар билан шугулланадими йўқми, билмайман, – деди Шокир.

– Бўлмасам, гаплашиб кўр, кўзлари чақнади Байирнинг...
...Шокир эртасига қўшниси Абзалга мақсадини айтди.

– “Товар” бор, унга мижоз топип сотсан, дегандим. Бироқ, бўй молни ҳаммаям олавермайди.

– Э, Шокир ака гиёҳвандлик мoddами, ўзим ҳатто сигарета чекмайман, биласиз-ку. Шундай бўлгандан кейин...

– Йўқ, йўқ Абзал, гапнинг лўндаси, 20 килограмм вольфрам метали бор. Шуни сотиш керак.

Саҳифа материаллари ИИВ Ҳуқуқий таъминлаш ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бошқармаси ҳамкорлигига тайёрланди.

Tabassum + TV

Постда gazetasining ilovasi

HAFTALIK

DASTURLAR

Яхши ният билан тадбиркорликка кўл урган йигит идорама-идора югура бошлади. Қайси бир жойга учрашмасин, амал эгаси, стол эгаси тамагирлик қилади, тадбиркордан пора талаб қилади. Охири унинг иш юритиш учун олган қарзи ҳам тугайди, ўзи ич кийимда қолади. Телевизор орқали намойиш этилган "Ҳам куласиз, ҳам куясиз" деб номланган бу ҳажвий инсценировкада ролларни бир киши ўйнаган. Ана шу ҳажвий асар орқали Ҳмошабинларнинг янада меҳрини қозонган санъаткор - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Равшан Солиховни "Tabassum"га таклиф этдик.

- Равшан ака, театр санъати инсон маънавиятини юксалтиришда ўзига хос аҳамиятта эга. Лекин, кейинги пайтларда то-мошабинларнинг театрларга қизиқиши сусайиб кетяпти, деган гапларни эшитамиш.

- Театр санъати қадим-қадимдан инсон маънавиятини юксалтиришда етакчи ўринларни эгаллаб келган. Буни тарих саҳифаларидан яхши биламиз. Юртимизда ҳам шундай. Хусусан мен хизмат қилаётган Муқимий номли музикали драма театрида томоша залига кириш учун чипта етишмай қолиб, жанжаллар бўлганининг



кўтарилиб кетяптимикин дея ўйлаб қоламан. Шу ўринда жаҳон театр санъатининг шоҳ асарларидан "Қирол Лир", "Фарилар" каби спектакларни кўпроқ кўрсатиш керак, токи одамларнинг бир-бирларига бўлган меҳрлари; янада ортиб, оқибат аталмиш хислат йўқолиб бормасин. Ўзбек адиллари ҳам ана шундай мавзуларни кўтарган саҳна асарларини кўпроқ ёзив берсалар нур устига айло нур бўларди.

- Сизни кўпчилик комик актёр сифатида танийди. Телевизион миниатюралар театрида ичакузди интермедиаларда иштирок этасиз. Ўзингиз севиб ижро этган ролларни айтиб бера оласизми?

- Актёр учун ҳамма роль, бир хил ҳисобланади. Лекин ўзи билмаган ҳолда то-мошабинларнинг назарига тушиб, айнан ана шу роль билан танилиб шуҳрат ҳақидаги мақолаларни ўқиб, одамлар ўртасидан меҳр, оқибат шунчалар

Милиционер ролини яхши кўраман

миз марҳум этасизми?

- Актёр бирор ролни ижро этганда, у ишончили

чиқиши учун ўзини худди яратётган образдаги киши

сингари ҳис этиши керак

бўлади. Буни марҳум усто-

зимиз, бетакрор санъат



Фани Аъзамов эса "Олтин девор"даги Мўмин образи билан томошабинлар қалбини забт этганлар. Мен ана шу устозларга ҳавас қиласан. Бир куни бозорда кетаётсам сотувчилардан бири, бозор кўрмаган йигит келипти, деб шеригига кўрсатди. Мен хафа бўлганим йўқ, чунки телевизорда С. Сиёев қаламига мансуб "Бозор кўрмаган йигит" видеофильмини кўрсатгандик.

Маҳорат билан ижро этилган ҳар қандай роль то-мошабинни эсида қолади. Кейин актёрнинг ўзи ҳам енгил тортиб юради. Болалигимда Тошкент шахрини марказида шоп мўйловли кўча ҳаракатини йўлга солиб турдиган милиционер бўларди. Гоҳ-гоҳида қариялар, кекса ҳайдовчилар гапириб, эслаб туришади. Шу киши кўча ҳаракатини шунақа моҳирлик билан бошқарканки, қўли, таёғи, ўрни келганда ҳатто мўйлови билан ҳам ишора бераркан. Гарчи болалигимда у

спектакллар, фильмлар бўлса, бажонидил ўша ролни ижро этардим.


- Равшан ака ҳалқимиз кулгига жуда ўч. Иккича улфат йигилса, дарров латифа айтишади, оддий во-кеани ҳам юморга ўраб, кулгили қилиб айтишини кўришади.

- Асаби тарангланиб, ҳеч нарса ёқмай турган кишига ҳам ўрнини топиб, бир чимдим кулги ҳади этсангиз, кўнгли кутарилиб, чехраси ёришади. Кулги, асқия, ҳажвия энг қадими ва севимли жанрлардан бири, албатта. Ҳалқимиз ўзининг машҳур сўз усталиари, асқиячилар билан

ҳақли ра-вишда фахрланади. Юсуф жонқизиқ, Охунжон қизиқ, Мухиддин Дарвешов, ҳозирги кунда уларнинг анъаналарини давом эттираётган шогирдлари саҳнага чи-кишганда, телевизорда кўриниб қолиши ёки радиода овозлари эштилиши билан кишиларнинг юзига табассум югуради.

Ҳар бир нарсани ўз мезери бўлгандай, айрим ҳолларда сўз усталарининг чи-кишларida, бачканаликлар сезилиб қолади. Телевизион миниатюралар театрининг баъзи интермедиалари зўрма-зўраки тайёрлангандай туолади. Асли ўша ҳажвий асарнинг "таъми" тузук бўлмагандан кейин энг уста актёр ижро этса ҳам кулгили чиқмайди. Пишириладиган таом учун масаллиф бекаму кўст бўлса, ошпаз уни қойиллатиб, оғизда эрийдиган қилиб пиширади. Қозонда

ТЕМИР ЙУЛ ВОКЗАЛИ



бўлмагандан кейин, чўмич тилла бўлса ҳам ҳеч нарса илинмайди. Тўғри гоҳида айтилган ҳамма масаллиқни таҳт қилиб берсангиз ҳам, есангиз қорин оғригадиганлар кўп. Шунинг учун бутунги кун тинчлик, осойишталик ходимини акс эттирган

актёrlарни турган битгани меҳнат, изланыш, ўрганиш, ўқиши.

Кўпинча кишилардан худо берган талант деган гапни эштишиб қоламиз. Тўғри инсоннинг толеи, иктидори Яратганга боғлиқ. Лекин, Оллоҳ сендан ҳаракат, мендан баракат, дейди. Ҳар қандай талант эгаси ҳам изланиб, ҳаракат қилиб турмаса қотиб қолади. Буюк актёrlар Лутфихоним ая Саримсоқова, Ҳамза Умаров, Сойиб Ҳўжаевлар биз билан баравар репитицияда иштирок этишарди. Режиссёрдан қайта-қайта сўраб, саҳна кўринишини такрор-такрор ижро этиб кўришганини гувоҳи бўлганман.

- Кўпчилик санъаткорларнинг оиласи билан қизиқишиади.


- Турмуш ўртогим тиббиёт ҳамишираси, учта фарзандим бор. Улардан бирор таси ҳам санъаткорликни хоҳлашмади. Аввало инсон ўзи хоҳлаган касбни танлаши керак. Мен артист бўлиб, ҳеч кимдан камчилигим йўқ, деб зўрлаб театрга бошлаб келган, кўлига тор тутқазганларни ёқигримайман. Ҳар кимнинг обрўси, таланти ўзи билан бирга бўлади. Отасининг, онасининг обрўси билан узоққа бормай аросатда қолиб кетгандарни ҳам кўрганман. Айтмоқчиманки, ҳар ким ўз йўлини ўзи танлаши керак. Оиламида менинг касбимга қизиқадиганлар йўқ. Мен ҳар бир фарзандимни келажакда ўз касбнинг моҳири бўлишларини жуда истайман ва кўлимдан келганча ёрдам бераман.

Пировардида ўртимизда тинчлик ва осойишталикини сақлашда фидойилик кўрсатаётган ички ишлар ходимларининг машаққатли ва шарафли ишларидаги катта ютуқлар тилаб, баҳтимизга соғ-саломат бўлиб юришларини тилайман. Яна бир қайтариб айтаман, кинодами, театрдами, интермедиядами милиционер ролини беришса, жон-дилим билан севиб ижро этаман.

- Мазмунни сұхбатингиз учун раҳмат.

Сұхбатдош Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

Постда газетаси
"Иходий ютуқлар тинади"
Равшан Солихов



Энига: 1. Фоявий тарбия. 6. Узок ма-софага югуриш. 9. Жамолиддин Абду-жабборов иштирок эттан спорт тури. 10. Оммавий ахборот воситалари ходими. 11. Ўзига хос, антика. 16. Асар қадрамони. 17. Бино. 18. Дараҳт тури. 19. "Олтин девор" спектаклида бош ролни ижро этган машҳур актёрнинг исми. 20. Сайловга қўйилгандардан бири. 22. Чет эл автомобиль русими. 23. Қозогистондаги дарё. 26. Бурж. 29. Оҳанг. 31. Сехр, жуду. 32. Тинчлик тимсоли. 35. Истроил футбол клуби. 37. Ишрат. 39. Ислитмани туширадиган дори. 40. Мингдардага даво. 41. Чекилади, лекин сигарета эмас. 42. Мордовия Республикаси пойтахти (Россия). 44. Билим. 47. АҚШ штати. 49. Ҳинд телесериали. 51. Ширинликлар ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон-Истроил қўшма корхонаси. 53. Дўст. 55. Бошлиқ. 57. Ҳикоя. 58. Араб давлати. 62. Мадҳиямиз шеърини ёзган шоир. 64. Секин. 66. Лавозим. 68. Изоҳ. 69. Россиядаги футбол клуби. 70. Узокни яқин қўйувчи оптик асбоб. 71. Кушларни ҳайвонлардан ажратиб турувчи нарса. 72. Крим ярим оролидаги сиҳатгоҳ. 73. Қитъя. 74. Куннинг тундан фарзи.

Бўйига: 1. Осоишталик посбонла-ри. 2. Ташаккур. 3. АҚШ президенти ... Линcolnы. 4. Бола, ..., йигит. 5. Намуна. 7. Зикр этилган пайғамбарлардан бири. 8. Ширинлик. 12. Қўшин. 13. Кечки ов-қатнинг "антоними". 14. Совуқ. 15. Аф-ғонистондаги кўшни шаҳар ...Шариф. 21. Самарқанд бозори. 22. Чипта. 24. Шоҳмотнинг "уласи". 25. Ҳаж сафари. 27. Фаройиб таом. 28. Гуноҳкор, оми. 30. А.Кайковус асари. 33. ... Ҳидоятов. 34. Савдо қатори. 35. Кабристон. 36. Мюн-хайзен унвони. 37. Тўрт халифалардан бири. 38. Иштон. 43. Ҳурознинг макиёни. 45. "Лип" этиб тепага олиб чиқа-ди, "лип" этиб пастга олиб тушади. 46. Бирор нарса сақланувчи жой. 48. Ёзма иш. 50. Ҳўжайра асоси. 51. Бадбашара, хунук. 52. Энг катта шаршара. 54. Тур-муш ўртоғи. 56. Вакуум. 59. Фирдавсий асари. 60. Ўтган аср бошидаги Англия, Франция, Россия ҳарбий блоки. 61. Со-вуқ шамол. 63. Баҳорда болалар ясайдиган ўйинчоқ. 65. Охирги олимпиада бўлиб ўтган шаҳар. 67. Машҳур кўзбоя-логич. 68. Акс, сурат.

Н. УСМОНОВА.

Газетамиzinning утган сонида чоп этилган:

"Пойтахтим" чайнвордининг жавоблари (11-бет):

1. Шош. 2. Шайхонтохур. 3. "Роҳат". 4. "Турон". 5. Нозимахоним. 6. "Малика". 7. Алихонтўра. 8. Анҳор. 9. Раҳимов. 10. "Ватан". 11. Намозоҳ. 12. Ҳадра. 13. Алимқул. 14. "Лола". 15. Асқия. 16. "Ялла". 17. Авто-бус. 18. Самарқанд. 19. "Дўстлик". 20. "Камалак". 21. Кайковус. 22. Салтор. 23. "Рас-сом". 24. Мустақиллик. 25. Келес. 26. Салоҳиддинов. 27. "Вақт". 28. "Тошкентно-ма". 29. Абулқосим. 30. Мингўрик. 31. Қўқалдош.

Криптограмма

Очқич сўзлар:

1. Ойбек. 2. "Жар". 3. "Меҳнат". 4. Себ-зор. 5. "Ўртоқ". 6. Уккона. 7. Дегрез. 8. Қиль-ния. 9. "Лазги".

Байтлар:

Андоқ бир шаҳарки жаннатмаконdir,
Хижолатдан жаннат сийнаси қонdir.
Бу кентни ким кўрса асло жилмагай,
Жаннат неъматларин орзу қилмагай.

ЧАЙНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ (12-бет):

1. Исм. 2. Мэр. 3. Раҳимов. 4. Воҳа. 5. Асос. 6. Сўх. 7. Хотира. 8. Ариқ. 9. Қайин. 10. Ном. 11. Минг. 12. Гулдаста. 13. Азон. 14. Нарх. 15. Хайём. 16. Малад. 17. Дунё. 18. Ёдгор-лик. 19. Кўз. 20. Зина. 21. Арава. 22. Адолат. 23. "Тўмарис". 24. Сайёра. 25. Асака. 26. Ақд. 27. Литер. 28. Радио. 29. Оқ. 30. Қўл. 31. Ля. 32. Янглер. 33. Рух. 34. Ҳат. 35. Торт. 36. Та-калиф. 37. Фитрат. 38. Турна. 39. Алла. 40. Ашё. 41. Ёднома. 42. "Аида". 43. Аг. 44. Газ. 45. Зокиров. 46. Восит. 47. Тиловат. 48. Та-рик. 49. Ҳалқ. 50. Қадрамон. 51. Нодира. 52. Амири.

Дониракалардаги сўзлар:

Эй дўстларим, дунёда ортда қолган
ёд яхши.

MUNAJJIMLAR BASHORATI

kelgusi hafta uchun



Қўй (21 марта - 20 апреля)

Ҳаётингизда учрайдиган талайгина муаммоларни ҳал этиш билан машғул бўласиз. Қадрингизга айтарли даражада этиш маёттандек туолади. Раҳбарлар билан низо келиб чиқишини истамасангиз бу фикрни ошкор этманг. Маълум муддат барча ишларни йиғиштириб қўйиб, бироз ҳордик чиқариши маслаҳат берамиз.

СИГИР (21 апрель - 21 май)

Ушбу ҳафта ҳамкаслар билан муносабатларни йўлга қўйиш алданиб қолишингиз мумкин. Қадрдон дўстингиз ёки яқин кишингиз билан кутимаган учрашувга шай туринг. Ишқий саргузашлардан узокроқ юрганингиз маъқул.

ЭЗИЗАКЛАР (22 май - 21 июнь)

Юлдузлар қўшимча даромад манбаи топишингизда омад кулиб боқишини ватъда қўлмоқда. Аммо ўз кучингизга ортиқча баҳо берманг. Севган кишингиз билан низо келиб чиқиши эҳти-мoldan холи эмас. Бунинг олдини олиш учун барча омиллардан фойдаланишни маслаҳат берамиз.

ҚИСКИЧБАДА (22 июнь - 23 июль)

Даромадингизни кўпайтириш имконияти бор. Бунга эришиш учун сабр-тоқатли бўлишингизга тўғри келади. Омад сиз томонда. Лекин раҳбарлар билан келиб чиқсан кичик келиши-мочилик кайфиятингизга таъсир кўрсатади. Асабингизни бузманг чунки низо тезда унугтилади.

АРСЛОН (24 июль - 23 август)

Ҳомийлар кўмагида талайгина касб муаммоларини ҳал этишга мувваффақ бўласиз. Ўзингизда ишонч юзага келади. Тижорат билан шуғулланишга аҳд қўлганлар барча муносабатларда мувваффақият қозонадилар. Шахсий ҳаётингиз сиз ўйландан ҳам аъло даражада ўтади.

БОШОҚ (24 август - 23 сентябрь)

Эски қадрдонингиз ҳамкорликда ишлашни таклиф этади. Ташкилотчилик қобилиятингиз янада шаклланади. Айнан шу жиҳат аҳволингизни яхшилаш имконини беради. Оилангизда зътиборли ва олижаноб бўлинг.

ТАРОЗИ (24 сентябрь - 23 октябрь)

Раҳбарлар билан муоммалада эҳтиёт бўлиши маслаҳат берамиз. Зеро, вазият сизнинг фойдангизга ривожланмайди. Иккинчи даражали ролни ижро этишга хоҳишингиз йўқлиги бошлиқларни ранжитиди ва бу сизга маълум даражада таъсир кўрсатади. Яхшиси бироз ишлардан ўзингизни чалғитиб, келгуси режаларни белгиланг.

ЧАЁН (24 октябрь - 22 ноябрь)

Бошлиқлар сизни кўнгилдагидек ишламаёттанданда айблашлари мумкин. Қариндошларингиз билан муносабатда ҳам низо келиб чиқиши эҳтимоли бор. Шу боис хонадонингизда тартиб-интизом ўрнатиш учун қаттиқўл бўлинг. Муҳаббат бобида янгӣ ишқий саргузашлар кутилмоқда. Вазиятни назорат қилиб боришини унутманг. Акс ҳолда алданиб қолишингиз ҳеч гап эмас.

ЁЙ (23 ноябрь-21 декабрь)

Ушбу ҳафтада ижодий имкониятингизни намойиш этасиз. Ишбилармонлик учрашувларида иштирок этишингиз, шериклар билан тажриба алмашишингизга тўғри келади. Шунда жамоадаги маъқининг яхши томонга ўзгаради. Бу эса келгуси ютуқлар гаровидир. Муҳаббат бобида севган кишингизнинг кўнглини кўтарувчи бирор иш қилиш, айтайлик совға ҳадя этишини маслаҳат берамиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь - 20 январь)

Ушбу ҳафтада барча ишларни ўддалайсиз. Имкониятни қўлдан берманг. Мехнат фаолиятингизни кучайтириш омиллари бор. Умуман етти кунлик мувваффақиятли кечади.

ҚОВГА (21 январь - 19 февраль)

Мазкур ҳафта анчадан бери ўйлаб юрган режангизни амалга ошириш учун кулайдир. Бунда раҳбарларнинг қўллаб-куватлаши қўл келади. Бироқ ўзингиз ҳам анча саъй-ҳаракат қилишингизга тўғри келади. Дам олиш кунлари ишқий саргузашлар кутилмоқда.

БАЛИҚ (20 февраль - 20 март)

Тижорат борасидаги режаларингиз кўнгилдагидек амалга оширади. Ишбилармон шериклар билан алоқа қилиш қийин кечади. Ишхонангизда низо келиб чиқмаслиги учун эҳтиросларга берилманг. Пухта ўйлаб ҳаракат қилсантиз ишларингиз юришиб кетади.

ЧАЙНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ (12-бет):

1. Исм. 2. Мэр. 3. Раҳимов. 4. Воҳа. 5. Асос. 6. Сўх. 7. Хотира. 8. Ариқ. 9. Қайин. 10. Ном. 11. Минг. 12. Гулдаста. 13. Азон. 14. Нарх. 15. Хайём. 16. Малад. 17. Дунё. 18. Ёдгорлик. 19. Кўз. 20. Зина. 21. Арава. 22. Адолат. 23. "Тўмарис". 24. Сайёра. 25. Асака. 26. Ақд. 27. Литер. 28. Радио. 29. Оқ. 30. Қўл. 31. Ля. 32. Янглер. 33. Рух. 34. Ҳат. 35. Торт. 36. Та-калиф. 37. Фитрат. 38. Турна. 39. Алла. 40. Ашё. 41. Ёднома. 42. "Аида". 43. Аг. 44. Газ. 45. Зокиров. 46. Восит. 47. Тиловат. 48. Та-рик. 49. Ҳалқ. 50. Қадрамон. 51. Нодира. 52. Амири.

Дониракалардаги сўзлар:

Эй дўстларим, дунёда ортда қолган
ёд яхши.

Элни севганин эл севади

Тириклик – улуг нөймат, хотира – азиз!

Ўтганларнинг руҳини эъзозлаш, сизу биз билан ёнма-ён яшаб келаётган кексаларнинг ҳурматини жойига қўйиш жуда қадимдан сакланиб келаётган бебаҳо қадриятларимизданdir.

Фарғона вилояти ички ишлар бошқармасида ҳам Хотира ва Қадрлаш куни муносаби нишонланди. Даставал Ўзбекистон Республикаси ИИБ фахрийлари, истеъфодаги милиция генерал-майорлари F. Раҳимов, Ж. Аъзамов ҳамда вилояти ички ишлари идоралари фахрийлари, ҳодимлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Сўнгра фахрийлар ва вило-

ят ИИБ раҳбарияти хизмат пайтида ҳалок бўлган милиция ҳодимлари хотирасига ташкил этилган "Хотира бурчаги"га гулчамбарлар қўйдилар.

Кейин тўкин дастурхон атрофида ички ишлар идораларида кўп йиллар самарали меҳнат қилган фахрийлар, уларнинг оила аъзолари жамулжам бўлдилар. Бир пиёла чой устида марҳум

сафдошлар хотираси ёдга олинди, ёшлик йиллари эсланди.

Байрам тадбирини очар экан, вилоят ИИБ бошлиги вазифасини бажарувчи, милиция подполковники Аминжон Тошхўжаев барча йигилгандарни байрам билан қутлаб, узоқ йиллик фидойи фаолиятлари учун уларга чукур миннадорчилик билдири. Бугунги дориламон кунларга етиб кела ололмаган устоз ҳамкасларнинг порлоқ хотирасига ҳурмат бажо келтириди.

– Сиз азиз устозлар амалга оширган заҳматли ва

машақатли ишлар биз шогирдларингизга, хайрли ишларингизнинг бугунги давомчилигига ҳамма вақт ҳаёт дарси ҳамда мактаби бўлиб қолажак. Айниқса, бугунги ҳар томонлама шиддатли давр милиция ҳодимлари зиммасига катта масъулият юкламоқда. Ҳар куни, ҳар соатда ана шу масъулиятни ҳис қилган ҳолда, марҳум устозларимизнинг муқаддас руҳидан мадад сўраймиз, сиз азиз устозларимизга эса узоқ умр тилаймиз, – деди у.

Бўрибой ОМОНЗОДА.

Байрам тантаналарида вилоят ва туманлар ИИБ-рининг раҳбарлари ва ўринбосарлари қатнашдилар. Вилоят ИИБ бошлиги, милиция полковники Б. Субанов ва Косонсою туман ҳокими У. Маматов тантана қатнашчиларини самимий табриклидилар.

Т. ДАВЛАТОВ,
ички хизмат майори.

Тантана бўлиб ўтди

таклиф этилиб, уларга пул ва қимматбаҳо совғалар тақдим қилинди. Ҳалок бўлганлар қабрлари зиёрат қилиниб, ободонлаштирилди. Тантана қатнашчиларига байрам дастурхони тузалди. Шу куни вилоят ИИБ бош-

лигининг ўринбосари ички хизмат подполковники О. Исоқов иззат-хурмат билан нафақага кузатилди. Йигилгандарларга Ҳамза номидаги У. Маматов тантана қатнашчиларини самимий табриклидилар.

Т. ДАВЛАТОВ,
ички хизмат майори.

"Ҳамон сафдамиз"

Истеъфодаги милиция подполковники Н. Хобаров ўн йилдан ортиқ Тошкент шаҳар ИИБ Фахрийлар кенгашига раҳбарлик килиди. Ҳозир ҳам Николай Борисович жонажон жамоаси билан алоқасини узганийк. У Фахрийлар кенгаши раиси ўринбосари сифатида ҳамон ташкилот ишида фаол қатнашиб келяпти. Николай Борисович бизга кўйидагиларни хикоя килиб берди.

– Мамлакатимизда Хотира ва Қадрлаш куни кенг нишонланади. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ногиронлар, ёлғиз фахрийлар ҳақида ғамхўрлик килиш бизнинг асосий вазифамиздир. Улар бундай ҳурмат-эътиборга лойиқдилар. Ҳар йиля Бишкек милиционерлари Ҳотира ва Қадрлаш кунига бағишинланган тантаналар бўлиб ўтади. Бу йил ҳам истисно эмас. Тадбирларга фахрийлар тақлиф қилинади. Анъанага кўра Мотамаро Она ҳайкали пойига гуллар

кўйилади. Ҳозир бўлганлар бир дақиқа сукут сақлаб фуқароларимиз тинчлик-осо-ишиштаги йўлида жонларни курбон қилганларни ёд этадилар. Кейин бизларни автобусларда Чигатой, Минор қабристонларига олиб боришиди. У ерларда дағи этилган сабиқ раҳбарларни сифатида ҳамиша жой топилади. Бизлар Бишкек милиционерлари ташкилот ишида ғамхўрлик килиш тақлиф қилиб турисиди.

Сўнг шаҳарни бир оз сайди килимиз. Тадбир якунида фахрийлар учун байрам дастурхони ёзилиб, тантанали

Марказ соҳибининг хушмумалалиги, одамларга бекиёс муҳаббати, энг муҳим янгиликларни оммабоп қилиб, қизиқарли тарғиб қила олиш қобилияти туфайли бу маскан барча учин севимли жойга айланди. Ҳозир марказ томонидан ташкилот этилаётган ўқув машгулотлари, турли учрашувларни жангчилари орзишиб кутадиган бўлиб қолишиди.

Ҳаётилло акандининг хизмати фақат шу билан чекланмайди. Мана йигитма иккита йилдирки, у вилоят ёнғинга қисмита ишига кирди. Ўшанда 25 ёшли бўз йигит эди. Кейинчалик Ҳаётиллони вилоят ички ишлар бошқармаси ёнгингдан сақлаш бўлимилини техник маркази бошлиги лавозимига тақлиф этишиди. У тез орада техник марказининг ишини жонлантириб юборди. Гапнинг очиги, илгари жангчиларнинг бўлишига, болалари етим кўзидай бўллаб, гулдай аёллари армонда қолишларига



Мардлик унүтилмайди

Урганч темир йўл бекати тармоқ ИИБда Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. Унда тармоқ ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция капитани Одилбек Отажонов иккичи жаҳон уруши ҳамда жиноятчилар билан олишувда мардларча ҳалок бўлган инсонлар жасорати ҳақида тўхтади. Шундан сўнг Урганч темир йўл бекати Тармоқ ИИБда узоқ йиллар самарали меҳнат қилган фахрийлар, истеъфодаги милиция подполковники ў. Мамедов, истеъфодаги

милиция старшиналари С. Курионбоев, О. Самандаров ва А. Беркулевлар сўзга чиқиб, хизмат вазифасини ўташ чогида ҳалок бўлган милиция капитани Баҳодир Матризоев ҳамда бошқа ҳамкасларини ёд этдилар.

Тадбир иштирокчилари Урганч темир йўл бекати тармоқ ИИБ биносида ўрнатилган жасур саркарда Жалолиддин Мангуберди ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.

**Х. ЖАББОРОВ.
Ж. ҚОЗОҚ олган сурат.**

Тошкент шаҳар Миробод тумани ички ишлар бошқармасида навбатчи – инспектор лавозимида хизмат қилаётган милиция майори Александр Ким ва унинг турмуш ўртоги Ҳамза тумани ички ишлар бошқармасининг төрговчиси Людмила Владимировна камтар инсон, ўз касбining устаси.

Ота-оналари изидан...

Ундаги камтарлик, инсонпарварлик фазилатлари ота-оналаридан ўтган. А. Кимнинг отаси Ҳан Чен Ким ва онаси Антонина Люгайлар 30-йилларда Марказий Осиёга қатағон қилинган эдилар. Иккичи жаҳон урушининг биринчи кунларида ёки, Ҳан Чен Ким урушга кетиб, Ҳимолий Корсияда бўлган жангларда қатнашган ҳамда 1960 йилгача, ҳарбий хизматчи, генерал-майор унвонига сазовор бўлган. Онаси Антонина

ҳам ҳарбий қисмда бухгалтер лавозимида ишлаб, уруш даврида жангларда иштирок этган.

Александр Ким ота-онаси изидан бориб, ҳарбий касбни танлаб, янгишида ва ота-онасининг ишончини оқлади.

Ҳотира ва Қадрлаш кунида Александер Ким ота-оналари Ҳан Чен Ким ва Антонина Люгайларни ёдга олиб, руҳлари шод бўлсин деймиз.

А. ҚОБУЛОВ,
милиция подполковниги.

Аланга ичидағи ҳаёт

Ҳаётилло ака баҳорни орзишиб кутоди. Айниқса, ўрик гуллаганда у бегубор болалигига қайтганда, томирларида навқиронлик қони жўш ургандай сезади ўзини.

Мана, ҳозир ҳам ёруғ дезрасасидан ташқарида опроқ гуллаган дараҳтларга термудиб туриди. Ҳаётилло ака баҳорни орзишиб кутоди. Ҳаётилло ака баҳорни орзишиб кутадиган ортда қолган манзилларига қараб кўнгли тўла оладими ёки ҳаёт шунчаки бесамар ўтди-ми?

Шу пайт унинг ҳаётларидан тум-тарақай қилиб, сиrena овози борликин ларзага солиб чинкиди. Ҳовлидаги мевали дараҳтлар титраб, омонат тутган гуллари ўтириштаги йигит бўлиб ўди. Шунинг учун касбнинг ҳам беталоватини танлади. Андижон шаҳридаги 3-ут ўчириш қисмита ишига кирди. Ўшанда 25 ёшли бўз йигит эди. Кейинчалик Ҳаётиллони вилоят ички ишлар бошқармаси ёнгингдан сақлаш бўлимилини техник маркази бошлиги лавозимига тақлиф этишиди. У тез орада техник марказининг ишини жонлантириб юборди. Гапнинг очиги, илгари жангчиларнинг бўлишига, болалари етим кўзидай бўллаб, гулдай аёллари армонда қолишларига

дийдорлашмагунча ҳаловат негизига билмайди. Ҳаётилло ака баҳорни орзишиб кутадиган титраб, омонат тутган гуллари ўтириштаги йигит бўлиб ўди. Шунинг учун касбнинг ҳам беталоватини танлади. Андижон шаҳридаги 3-ут ўчириш қисмита ишига кирди. Ўшанда 25 ёшли бўз йигит эди. Кейинчалик Ҳаётиллони вилоят ички ишлар бошқармаси ёнгингдан сақлаш бўлимилини техник маркази бошлиги лавозимига тақлиф этишиди. У тез орада техник марказининг ишини жонлантириб юборди. Гапнинг очиги, илгари жангчиларнинг бўлишига, болалари етим кўзидай бўллаб, гулдай аёллари армонда қолишларига

асло тоқат қилолмайди, инсон фожиасига мутглақ бардош бера олмайди. Айниқса, фожиа кимнингдир беларво, бефаросатлиги оқибатидаги юз берса. Эндиғина 35 баҳорни қаршилаган Қодиржон Шокиров ҳаётта келиб нимани кўрган эди?

Бувасадинлик Мамадали Собиров-чи? Қандай инсон эди-я. Шаҳардаги 600 дан зиёд кўччанинг ҳаммасини ёд биларди, ҳар ишда ўрнак эди. Ўт ўчирувчиликка ихлос кўйиган ҳар бир ёш энг аввали. Мамадали аканинг синовидан ўтар эди. Унинг "элағи"дан ўтган одам кўркмай, сира иккиланмай ўзини оловга ура оларди.

Мана шундай истеъодод эгаси ҳам ўтда ёнмади, оловда кўймади, электр токидан ҳаётдан кўз юмди. Ўт эгаси кабель борлиги ҳақида бир гулидан бир очилмай хазон бўлишига, болалари етим кўзидай бўллаб, гулдай аёллари армонда қолишларига

ишилди. Биринчи оловдан ҳаётни ўтади. Ҳаётилло ака баҳорни орзишиб кутадиган титраб, омонат тутган гуллари ўтириштаги йигит бўлиб ўди. Шунинг учун касбнинг ҳам беталоватини танлади. Андижон шаҳридаги 3-ут ўчириш қисмита ишига кирди. Ўшанда 25 ёшли бўз йигит эди. Кейинчалик Ҳаётиллони вилоят ички ишлар бошқармаси ёнгингдан сақлаш бўлимилини техник маркази бошлиги лавозимига тақлиф этишиди. У тез орада техник марказининг ишини жонлантириб юборди. Гапнинг очиги, илгари жангчиларнинг бўлишига, болалари етим кўзидай бўллаб, гулдай аёллари армонда қолишларига

ишилди. Ҳаётилло ака баҳорни орзишиб кутадиган титраб, омонат тутган гуллари ўтириштаги йигит бўлиб ўди. Шунинг учун касбнинг ҳам беталоватини танлади. Андижон шаҳридаги 3-ут ўчириш қисмита ишига кирди. Ўт ўчирувчиликка ихлос кўйиган ҳар бир ёш энг аввали. Уларга ҳаётни ўтади.

**Абдумутаб АБДУЛЛАЕВ,
Андижон вилояти.**

Агар инсон ўз касбини севса ишининг оғирлигига, кийинчиликлари-ю маşaққатлари билинмайди. Ўз ишини севган одам ишлаб чарчамайди. Инсон бахтининг бир кўриниши севимли ишида бўлса ажабмас. Донишмандларнинг биридан "Сиз бахти нимада деб ўйлайсиз?" деб сўршганида у: "Мени кимгадир кераклигимда", – деган экан.

ДАН ходимларининг меҳнатлари ҳам машаққатли. Касбнинг яхши-ёмони бўлмайди, аммо яхши ёки ёмон ходим бўлиши мумкин. Жонкуяр, бир сўзли, ўз ишига меҳрли ходимлар ҳамма жойда бор. Уларнинг олиб бораётган ишлари ҳақида тўхтасак арзиди.

Кўқон шаҳрининг Форобий ва Орзу кўчалари кесишимасида номаълум

Диёнатли бўлайлик

бувиси кўлидан ушлаб олганди. Аммо тўғридан келаетган автомашина Умиджонни уриб, ўтиб кетаверган. Бувиси эсанкираганидан, машинанинг русуми, рақамларини англаб ололмаган.

ДАН ходимларининг тинчлиги йўқолди. Вокеа содир этилган жойдан машинанинг орқа томонини кўрсатувчи ён ойнасининг синицлари топилди ва тездаёқ машинанинг "Жигули", охирги номери 38, яшил рангалиги аниқланди. Барча ДАН ходимларига гумон қилинган машиналар рўйхати кўрилди. Шунда тахмин

налар рўйхати берилди. Улар текширудан ўтказилиди. Нафақат шаҳардаги, балки водий бўйлаб "Жигули" русумли автомашиналар текширила бошланди.

Иzlанишлар самара бера бошлади. Охирги "38" рақами олдида иккичи рақам "6" эканлiği маълум бўлди. Фаргона, Сўҳ, Водил, Ўзбекистон, Фурқат каби барча туманларда қидирив-сурештирув борди. "Пунгон" постидан Тошкентта қатновчи автомашиналарнинг рўйхати олмайди.

Мальруф ЗОКИРОВ.

Ўғригина болани қандай тутдик?

Биз милиция ходимлари хизмат пайтида ҳамиша фуқароларимизнинг тинчлик-осойишталигини, ҳавфсизлигини таъминлаш билан банд бўламиз. Шундай экан, кези келганда улардан кўмак, ёрдам кутишга ҳам ҳақлимиз деб ўйлайман.

Юртдошларимиз доимо иши билан, сўзи, имо-ишораси билан имкон қадар бизга кўмаклашса, кўплаб жиноятлар иссигида очилган, ундан ҳам муҳими бошқа бундай номаъкулликка чоғланганларнинг кўпчилиги чўчиб қолган, ўз ниятларидан қайтган бўлишарди. Ҳамشاҳрларимизнинг яқинда бизга кўрсатган ёрдамлари бир ўғригина болани тутишимизда жуда аскотди.

Ўша куни шеригим, милиция сержантни А. Жумакулов билан илгариги "Болалар дунёси" дўкони олдида ("Олой" бозори яқинида) патруллик қилиб юргандик. Якшанба куни бўлгани учун кўчада одам кўп эди. Ҳамма ўз ўй-ташвиши билан банд, бирор чекларни кўлтиқлаган.

А. САПАРОВ,
милиция
катта лейтенанти.

даги йўлакларнинг аксига олиб ҳар икки томони очиқ бўлади. Мен ютуриб ҳовлига ўтдим. Шеригим эса юқори қаватларни текширгани тепага чиқиб кетди.

Чор атрофга аланглайман: тегарам сув сепгандай жим-жит эди. Шу пайт бир кампирнинг кўли билан имо қилаётанини пайқаб қолдим. У кўрсатган тўсик орқасига ўтсан, бола бикиниб ўтирган экан. Қадам товушимни ўшитган, шекилли, қаерданdir занглаган металл кувур парчасини топиб олиди. "Ҳа, муштлашиб юнга тўғри келади, шекилли" деб чоғланни турувдим, ҳовликиб шеригим етиб келди. Ўғригина болани ҳеч бир қийинчиликсиз қўлга олдик. Чўнтағидаги тилла занжирни қонуний эгасига қайтардик.

Одамларнинг, айниқса, ҳалиги онахоннинг ёрдамишиз анча овора бўлишимизга тўғри келарди.

А. САПАРОВ,
милиция
катта лейтенанти.

Тарақлида ким ўқ үзди?

Бу савол Жиззах тумани ички ишлар бўлими ходимларини қарийб иккита ойдан буён қийнаб келаётган эди. Чунки шу йил 28 февраль куни Таракли кишлогида яшовчи 19 ёшли Шокир Холиковнинг бош қисмидан отиб ўлдирилган жасади зовурдан топилди.

Жиноят овлөқ жойда ўз берган бўлиб, ҳеч ким бу воқеанинг гувоҳи бўлмаган ва ўшитмаган, – дейди тезкор гуруҳ раҳбари, туман ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари, милиция майори Ҳўжкамурод Оқмуродов. – Тахминлар жуда кўп эди, амалга оширилаётган кидирив, сурештирув ишлари натижасиз кечди. Қолаверса марҳумнинг ота-онасига, қотилни албатта топамиз, дей таскин беришнинг масъулияти эса жуда оғир эди. Ушбу қотилликтини фош қилишга тажрибали ходимлардан Пайзимурод Элмуровдов, Илҳом Салимовлар жалб этилди.

14 апрель куни тунда Жиззах шаҳрида яшовчи М. Оқилов ўз бошқаруvida бўлган "Тико" автомашинани уч нафар шахс зўрлик ишилатиб, олиб ҳочиб кет-

ганилиги тўғрисида ички ишлар бўлимига хабар берди. – Уч ўйловчини олиб кетаётган эдим. Шунда улардан бирни бошлаймизми дея ўзаро гап ташлади. Шубҳа қилиб дарров машинани орқага бурдим. Биттаси орқадан бўйнимга ип ташланмоқчи бўлди, лекин ҳушёрлик қилиб ипни қўлим билан суруб юбордим. Машинани тўхтатдим, улар менга ташланиши. Ўнимда ўтирганини танидим, у Сарайлар маҳалласидаги Юсуф эди. Эпчиллик қилиб ён эшикдан тушиб кетдим. Улар машинани ҳайдаб кетишиди.

Зудлик билан барча милиция постларига "Тутиш" тадбири эълон қилинди. Тадбир натижасида автомашинани олиб ҳочиб кетаётган шахслар Фориш туманинда Пайзимурод деган полковон мелиса қотилни албат-

сўмга сотиб юборишида ва бу ҳақда ҳеч кимга чурқ эт-маслигини, йўқса ўлдириб юборишиларини айтиб кўркитишиади.

– Тезкор ишлар давомида ушбу гурухнинг фаол аъзоси Баҳтиёр Зиёвуддинов ва Рустам Тошпўлатовларда ўқотар қурол бўлганлиги тўғрисида маълумот олинди, – дейди Х. Оқмуродов.

– Шундан сўнг биз қурол билан қандай жиноятлар содир қилишган бўлиши мумкин деб, гумон қилдик ва бу йўналишида тезкор ишларимиз натижасида Тараклидаги қотилликни фош қилишга эришдик. Баҳтиёр Зиёвуддинов бор-йўғи иккита кўй учун мол боқиб юрган Шокирни отиб ўлдиди. Рустам эса жасадни судраб зовурга ташлайди.

– Тўғриси мен набираминнинг қотили топилмайди деб ўтлагандим, – дейа ўксисб ийғлади Тўйма буви.

– Шикоят билан бошлиқларига кўп бордик. Ахир Шокиржон энг суюкли неварам эди. Болалигидан ўзим катта қилганиман. Бир сафар арз қилиб келганимда Пайзимурод деган полковон мелиса қотилни албат-

сёзинган автомашина рақамига айнан ўхшаш рақам ходимларимизнинг дикқатларини торти. Бу рақам 15 96-38 "Жигули" автомашинаси эди. Ҳайдовчиси эса бағдодлик Зулфиқор Музаффаров эканлиги аниқланди.

ДАН ходимларининг уч кунлик саъй-ҳаракатлари туфайли изсиз, далил-исботсиздек туюлган, бир begunox инсоннинг ҳаётiga зомин бўлган кимса ва автомашина топилди. Ана шундай ўз ишининг устаси бўлган тажрибали ходимларимиз кўп. Улар бор экан, жиноят содир этганлар ҳеч қачон қочиб кутула олмайди.

Мальруф ЗОКИРОВ.

Кирилмокда

Урганч шаҳар ИИБ томонидан куйидаги шахслар жиноят содир этиб, терговдан қочиб юрганилиги учун

Кирилмокда:



Ойтуту БОБОЖНОНОВА. 1955 йилда туғилган. Урганч шаҳар Узокова кўчаси 19-йдага яшаган.



Давронбек РЎЗМЕТОВ. 1948 йилда туғилган. Урганч шаҳар 4-кичик туман 26-йдага яшаган.




Муҳаммад Сапарбоевич МАТЯҚУБОВ. 1964 йилда туғилган. Урганч шаҳар Фирдавсий кўчаси 84-йдага яшаган.



Рашид Бесинбоевич СЕЙТОВ. 1972 йилда туғилган. Урганч шаҳар Темур Малик кўчаси 42-йдага яшаган.



Ойбек Султонович МАТНАЗАРОВ. 1973 йилда туғилган. Кўшкўпир тумани Охунбобоев замоҳа жўхалигида яшаган.



Сайдулла Ибрагимович РЎЗМЕТОВ. 1962 йилда туғилган. Урганч шаҳар Фирдавсий кўчаси 15-йдага яшаган.

Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яхши орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

